

## ЭСТРАДА САНЪАТИ БУГУНГИ КУН НИГОҲИДА

Нодирова Дилобар

Муסיқашунос

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола бугунги кундаги энг оммавий муסיқа жанри ҳисобланган – Эстрада муסיқаси ва унга янгича нигроҳ ҳақида баён этилади. Мақолада ўзбек эстрадаси ва унинг ривожланиши, эстрада хонандалари ҳамда ўзбек эстрада санъатини ривожлантириш учун таклифлар ва хулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** санъат, танкид, ўзбек эстрада, хонанда, замонавий эстрада, замонавий муסיқа, эстрада гуруҳлари, хулоса.....

Бугунги замонавий ҳаётимизда муסיқа асосий ўрин тутуди чунки, муסיқа, қўшиқ маданий озуқа ҳисобланади. Кундан – кунга жаҳон эстрада санъатида янги юлдузлар, янги овозлар пайдо бўлиб, дунё сахналарида жаранг сочмоқда.

Замонавий эстрада санъати шундай бир ижтимои соҳаки, у ўзининг масъулиятига эга. Аввало, эстрада санъатининг биринчи ўриндаги вазифаси томошабинга завқ бериш, эстетик тарбиялаш бўлса, яна бир муҳим вазифаси бу миллийлик ва замонавийликни тараннум этишдир. Бугунги кун нигоҳида олиб қаралса, яна бир муҳим масала – эстрада санъатини ривожлантиришда қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Энг асосий камчилик, бу соҳада ижод қилаётган аксарият ижрочилар фаолиятида меҳнатсеварлик, талабчанлик ва масъулият туйғулари тобора пасайиб бормоқда. Эстрада санъатидаги камчиликларнинг асосий сабаблари ҳеч кимга сир эмас.

Айни дамда эстрада қўшиқчилиги ўзининг изланишлари, мантиғи, ички ва ташқи қиёфаси, услуби нуқтаи назаридан мураккаб шароитларни бошидан кечирмоқда. Бу жараёнлар бевосита эстрада санъатида жанр масалалари билан боғлиқдир. Хусусан, унда яқин ва Ўрта Шарқ давлатларидан тортиб то Лотин, Шимолий Америка ҳамда Ғарбий Европа халқлари оммавий муסיқасининг куй-оҳанг ва ритм усуллари таъсири ёрқин сезилиб туради. Илгарилари ман этилган ёки “қўллаб-қувватланмаган” оқимлар, йўналишлар, тур ва жанрлар (“диско” ва “хард-рок” дан бошлаб “рэп” гача) сўнгги йилларда кенг ўрин эгаллади. Айнан, ёшлар орасида “техно-поп”, “панк”, “хард-рок”, “реггей” ва “жаз-рок” ижрочилиги каби йўналиш ва услублар ривожлана бошлади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Сирожиддинова Д.Ю. Эстрада санъатида сўз, муסיқа ва ижро уйғунлиги. – Тошкент: ЎзДСМИ,

Жаҳон эстрадасига эътибор қаратилса, бу йўналишга жуда кўплаб гуруҳлар муурожаат қилганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, “Green day”, “Aerosmit”, “Rasmus”, “Linkin park”, “Ramshteen” гуруҳлари рок мусиқасининг энг оғир услуби ҳисобланган хард-рокда самарали ижод қилиб келишмоқда. Хард-рок (hard-rock) сўзи “қаттиқ”, “оғир” деган маъноларни англатади<sup>1</sup>. Хард-рок бу рок мусиқасининг замонавий йўналишларидан бири бўлиб, ритмнинг тезда ўзгариши, зарбли чолғулар жўрлиги ва гитара оҳанглирида вужудга келади. Ўзбек эстрада санъатида дастлаб Ботир Зокиров, Фарруҳ Зокиров, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззоқова, Гуломжон Ёқубов, Юлдуз Усмонова, Севара Назархон, Озода Нурсаидова каби санъаткорларимиз ўз санъати ва овози билан ўзбек эстрадасини ривожлантиришди.

Аксарият эстрада хонандаларининг миллий услуб йўналишини хорижий эстрада хонандалари ижодига эргашиб, тақлидчилик йўли билан миллий куйларимизни қалбдан ҳис эта олмаётганликлари бу борада зарур билим ва амалий малакаларга эга эмасликларидан далолатдир. Айниқса, мусиқий эстрада энг катта саҳналарни забт этаётган бир пайтда бунга эътиборли бўлишимиз, ҳар бир эстрада санъаткори катта масъулият билан чиқиши, миллий мусиқий анъаналарни ниҳоятда зўр ўзлаштирган, асрлар давомида ривожланиб келаётган мусиқий меросимиз ютуқларини ўзида жамлаган ҳолда ижод қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда ўзбек эстрада санъатининг кўшиқчилик йўналишида ижод қилаётган хонандаларимиз орасида ўз хонишларида образ ярата олаётган, кўшиқлар матни, мусиқа ва ижро уйғунлиги билан тингловчиларнинг қалбига кириб бораётган тажрибали санъаткорларимиз талайгина. Уларга Маҳмуд Намозов, Равшан Комилов, Рустам Ғоипов, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова, Алишер Турдиев, Тоҳир Содиков, Ҳосила Раҳимова, Жаҳонгир Отажонов каби бир қанча санъаткорларимизни мисол қилишимиз мумкин.

Ҳозирги замонавий ўзбек эстрада кўшиқчилигида кўпгина санъаткорлар миллий мусиқий анъаналардан, яъни, анъанавий фольклор мусиқасидан кенг фойдаланаётганлигини кузатиш мумкин. Бу жараёнлар жуда кўплаб санъаткорлар, жумладан, Юлдуз Усмонова, Маҳмуд Номозов, Зулайхо Бойхонова, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова, Севара Назархон, Ҳосила Раҳимова, Дилдора Ниёзова, Зиёда Қобулова, Муниса Ризаева, Райхон Ғаниева, Манзура Йўлдошева, Шағзода каби бир қатор яққал хонандалар ҳамда “Ялла”, “Божалар”, “Болалар”, “ВИА Шарқ”, “ВИА Мароканд”, Ойбек-

---

2014. – 101 б.

<sup>1</sup> Клитин С. Эстрада. Л., 1987

Нигора, “Беном” каби гуруҳларни бу борада мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Кейинги йилларда эстрада кўшиқчилиги санъатида янги йўналиш, бахшичиликни эстрада санъати билан уйғунлаштирган ҳолда куйлаш одатга кираётганлигини кўрамиз. Бу эса халқимизга манзур бўлди, чунки халқ маънавий мулкидан четда қолаётган бахшичилик янги жанр ва янги талқинда дунё юзини кўрмоқда. Тўғри, бу йўналишни эстрада билан уйғунлаштириш бир мунча қийин иш, лекин бу изланиш ва меҳнат тингловчи ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Ўтган асрда пайдо бўлиб, ривожланиб, тараққий этган эстрада жанрлари ижтимоий-маънавий ҳаётимизга шу қадар кириб борганки, бунинг инъикосида эстрада санъати миллий эстрада санъатига айланди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон маънавий маданиятини миллий, анъанавий ҳамда эстрада кўшиқчилиги санъати мисолида ўрганиш муҳим муаммолардан биридир. Юқорида билдирилган айрим фикр ва мулоҳазаларнинг ўзи ҳам маданият ва санъат, хусусан, эстрада санъати орқали тингловчиларга эстетик завқ ва маънавий билим бериш юзасидан қуйидагиларни амалга оширишни тавсия этамиз:

- эстрада санъатини ривожлантириш кўпроқ репертуар муаммосини ҳал этилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мавжуд Бадиий кенгашларда репертуарнинг бадиий савиясига бўлган эътиборни янада такомиллаштириш;

- Ўзбекистонда миллий эстрада санъатини ривожлантириш учун турли ҳудудларда ижод қилаётган иқтидорларни, ҳаваскор-санъаткорларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириб, ишларини такомиллаштириш;

- миллий эстрада санъати тарихи ва назариясини татқиқ этиш ишларини такомиллаштириш.

- Эстрада кўшиқларида комрозиторлик мусиқаларидан фойдаланиш яъни, хаваскорлик студияларидаги “Ўғирланган” мусиқа билан эмас, миллийликни тараннум этувчи мусиқалардан кенгроқ фойдаланиш.

Ҳозирги эстрада санъатимизни янада ривожлантириш, унинг жамият ҳаётидаги, баркамол авлод тарбиясидаги, кишилар маънавий бойлигини оширишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш учун энг аввало, эстрада хонандалари ўзларининг касбий масъулиятларини унутмасликлари ва ўз ижоди устида кўпроқ ишлашлари лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Сирожиддинова Д.Ю. Эстрада санъатида сўз, мусиқа ва ижро уйғунлиги. – Тошкент: ЎзДСМИ, 2014. – 101 б.
- <sup>2</sup>Клитин С. Эстрада. Л., 1987